







Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 99 (3600)
ДУШАНБА
1 МАЙ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Яшасин империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашда меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни—1 Май!

Ленинча интернационализм байроғи остида

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАЙ НАМОЙИШИ

Ер юзи бўйлаб Биринчи Май одим отмоқда. Унинг байрам либосида— баҳор нафаси, ранг-баранг бўёқлар, янги қувонч ва муваффақиятларни кутиш нашъаси. Унинг гулобона одимида миллионларнинг қудратли қадами, дастлабки революцион маёвкаларнинг садоси, совет халқининг бунёдкорлик кучи, социалистик жамиятнинг ажойиб воқелиги ва эртанги кунга комил ишонч акс этиб турибди.

Тошкент меҳнаткашлари буюк Ватанимиз сингари бу нурафшон пролетар байрамига зўр кўтаринки руҳ ва илҳом билан тайёргарлик кўрдилар. Тошкентликлар Биринчи Майни қайноқ қалб, ажойиб меҳнат муваффақиятлари, коммунизм қурилиши буюк ишига бутун кучини беришга шайлик билан кутиб олдилар. Бугун республика пойтахтининг кўчалари ва майдонларига улар қизил алвонлар остида чиқишиб, бир сафда елкамаелка туриб Советлар мамлакати халқларининг бузилмас қардошлигини, пролетар ва интернационал бурчга, улуғ Ленин васиятларига ўз садоқатларини намойиш қилмоқдалар.

Бутун жаҳон меҳнаткашларининг бу ҳаяжонли халқаро бирдамлик байрами ғоят унутилмас кунларда ўтмоқда. СССР янги Конституцияси қабул этилгандан кейин республика меҳнаткашлари ривожланган социалистик жамият тарихий ҳужжати— Ўзбекистон ССР Асосий Қонунини қизғин маъқулладилар ва қабул қилдилар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районлари бўйлаб сафари барча совет кишиларида унутилмас таассурот, чуқур қалб ҳаяжони, янада яхшироқ ишлаш туйғусини уйғотиб юборди. Унинг кўрсатмалари ва тавсиялари коммунистик бунёдкорликнинг барча соҳаларидаги ишларини янада яхшилашнинг, жонажон Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши ва қудрати мустаҳкамланишн йўлида қилинаётган ишларни янада яхшилашнинг қудратли омили бўлиб хизмат қилди.

Леонид Ильич Брежневнинг ВЛКСМ XVIII съездида сўзлаган нутқи совет кишилари онги ва қалбларида зўр қизиқиш уйғотди, бу нутқ мамлакатимиз келажаги тўғрисидаги оталарча ғамхўрлик руҳи билан суғорилган, у ёшларимизнинг жанговар ҳаракат программаси, революция байроғини баланд кўтариш, оталаримиз ва боболаримизнинг жанговар ва меҳнат анъаналарига содиқ бўлиш, ёрқин коммунистик келажакни актив бунёд этишнинг партиявий накази бўлиб қолди.

Тошкентликлар Биринчи Майни зафарлар, юксак меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлик вазнятида кутиб олдилар, партия ва ҳукуматимизнинг совет кишилари фаровонлиги тўғрисидаги мутасил ғамхўрлигига амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Республика пойтахтининг саноати биринчи марта ўтган йилни қолоқ корхоналарсиз якунлади. КПСС XXV съездининг асосий кўрсатмаларидан бирини, беш йилликнинг асосий ташаббусини амалга оширди.

Бу йил ҳам зарбдор суръат сақланди ва тобора ошиб бормоқда. Тошкент саноати тўрт ойлик планни муддатидан илгари, 26 апрелда бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Биринчи Майгача ўнлаб миллион сўмлик қўшимча маҳсулотлар реализация қилинди, тўрт ойлик программа яна қолоқларсиз бажарилди.

Шаҳарнинг юзлаб меҳнат коллективлари навбатдаги муваффақиятлари ва зафарлари тўғрисида Биринчи Майга рапорт бермоқдалар. Шунинг учун ҳам байрам намойиши қатнашчиларининг чеҳраларида қувонч, одимлари эса қатъий ва ишончлидир.

Пойтахтимизнинг Марказий майдони байрам либосида. Баҳор шабадаси иттифоқдош республикалар байроқларини ҳилпиратмоқда. Парадлар хиёбонида пролетариатнинг буюк доҳийлари — Маркс, Энгельс, Ленин портретлари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларининг портретлари турибди.

Эрталаб роппа-роса соат ўн. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов, республика Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар И. Ғ. Анисимкин, Л. И. Греков, И. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Ғ. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Х. Абдуллаева, Қ. А. Ахмедов, С. Мамарасулов, М. Д. Мухортов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев ҳукумат минбарига кўтариладилар.

Меҳнаткашларнинг байрам намойиши бошланади. Минбар ёнидан шонли ишчилар гвардияси ишлаб чиқариш илғорлари ўтадилар. Уларнинг фидокорона меҳнатлари, шахсий намуна ва ташаббуслари Тошкент меҳнаткашларини КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширишда янги довонларга чорлайди.

Товланиб турган шиор ва алвонлар кўтариб бош колоннада май олди зарбдор вахтасининг 2,5 мингдан зиёд ғолиби, ўнинчи беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш бўйича ажойиб ташаббуслар ижодкорлари ўтадилар.

Колонна устида кўчма Қизил байроқлар ҳилпирамоқда. Бу байроқ билан Тошкент юбилей йилида Бутуниттифоқ ва республика социалистик мусобақаси якунлари бўйича тақдирланган эди.

Майдон узра СССР ва Ўзбекистон ССР гербларн тасвири туширилган иттифоқдош республикалар давлат байроқлари улуғвор панноси кўпмиллатли давлатимиз халқлари бузилмас дўстлигининг ёрқин рамзи сифатида тантанали олиб ўтилмоқда.

Шаҳарнинг спортчилари ва ёшлари майдонда ўзларининг кучлари, чаққонликлари, маҳоратларини ёрқин намойиш қилмоқда.

Парадлар хиёбонига Ленин, Октябрь, Куйбишев, Киров ва Чилонзор районларининг меҳнаткашлари кириб келадилар.

Улуғ Ленин номи билан аталган, Тошкентнинг энг кекса районларидан бири корхоналари, қурилиш ва ташкилотлар коллективлари кўпгина шонли ишларни амалга оширмоқда. Электрон-техника заводи созловчиси А. Муҳамедов, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси машҳур тикувчиси З. Лебедева, тепловоз-ремонт заводининг токари. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Қодиров ва бошқа кўплаб кишиларнинг номлари район фахри ҳисобланади. Район меҳнаткашлари тўрт ойлик планни муддатидан илгари бажардилар. Ўнлаб миллат вакиллари намойишчилар сафларида елкама-елка бормоқдалар, улар зарбдор меҳнатлари, юксак ижтимоий активликлари билан пролетар интернационализми ишини мустаҳкамламоқдалар.

Минбар олдидан Куйбишев район ишлаб чиқариш илғорлари, «Ташкенткабель», трактор, экскаватор заводлари ишчилари, республикамизнинг қудратли илмий комплекси— академиклар шаҳарчаси ходимлари, «Главташкентстрой»нинг 4-трести қурувчилари, пойтахт олий ўқув юртларининг ичида энг ёши— СамПИ студентлари ўтадилар. Беш йиллик зарбдор вахтасида куйбишевликлар «Бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан яхшироқ ишлайлик» шиори остида меҳнат қилмоқдалар.

Биринчи Майни кировликлар ва чилонзорликлар ҳам юксак муваффақият билан кутиб олдилар. «Ўзбексельмаш» бирлашмасининг коллективи қишлоқ меҳнаткашларига серунум қишлоқ хўжалик техникаси яратиб бермоқда. Зотан, бу ерда 34 процент маҳсулот Давлат Сифат белгиси билан тайёрланяпти.

Метросозлар пойтахт аҳолисига ажойиб туҳфа армуғон этдилар. Улар Тошкент метросининг биринчи навбатини Октябрь 60 йиллигига муддатидан илгари фойдаланишга топширдилар. Ҳозир улар ер ости қасрининг навбатдаги участкаси қурилишида зарбдор меҳнат қилмоқдалар. Мана, машҳур метросоз Ленин ордени кавалери И. Лисий бундай дейди:

— Аввалги иш суръатини сақлаб қолиб, биз тўрт ярим километрдан зиёд масофага чўзилган уч станция туннелини қазияпмиз. «Ташметрострой» юксак шарафини сақлаб, сифатли ишлашга интиляпмиз. Тўрт ойлик планни муддатидан илгари бажардик. Ҳозир графикдан ўзиб ишлаяпмиз.

Бугун эса метросозлар майдонда, намойишчилар сафларида боришяпти. Улар Чилонзор район меҳнаткашлари билан ўз ютуқлари ҳақида рапорт бермоқда. Районкомларидан «Метросозларга шон-шарафлар» сўзлари янграйди. Майдонга намойишчиларнинг янгидан-янги колонналари дарё тўлқинларидек кириб келмоқдалар. Фрунзе, Собир Раҳимов, Ҳамза, Сергели, Акмал Икромов районларининг меҳнаткашлари кириб келадилар.

Минбар олдидан Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишлаб чиқариш илғорлари ўтадилар. Б. Жўраева, Л. Казанцева, Д. Қулматова, А. Верзилина ва бошқа кўпстаноччи тўқувчиларнинг номлари фақат республикамизлагина эмас, ундан ташқарида ҳам маълумдир. Комбинатда А. Верзилина илгари сурган «Ёш ишчига — мураббий марраси» шиори кенг ёйилди. Ҳозирги кунда унинг ёрдамида ишчилар синфига йўлланма олган кўплаб ёш тўқувчилар унинг мактабини ўтадилар. Ҳозир корхонада бу қимматли ташаббусга қўшилган 700 дан зиёд ёшлар мураббийлари бор.

«Таштекстильмаш» заводи коллективи беш йиллик бошидан буён планга қўшимча 2 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлади. Ойдан-ойга корхона план топшириғини муваффақиятли бажарпти. Ва ало сифатли тўқув дастгоҳлари ишлаб чиқаряпти. уларнинг кўпчилиги Сифат белгиси олинмоқда. Ишчи коммунистлардан В. Клепинин, М. Қулибоев, В. Ржанников, М. Аҳмедов сингари кўплаб кишилар зарбдор меҳнатлари билан завод шуҳратини оширмоқда.

«Она-Ватанга 5.550.000 тонна пахта берамиз!» Бу чақириқ Ҳамза район меҳнаткашлари колоннасининг сафларида олтин ҳарфлар билан порлаб кўринмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев ВЛКСМ XVIII съездида сўзлаган нутқида шаҳарликларнинг қишлоққа оталиқ ёрдамларини янада кучайтириш зарурлигини таъкидлаб ўтган эди. Ҳамзаликлар бу кўрсатмага амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси. мамлакатимизда ягона пахта териш машинаси тайёрлайдиган «Ташсельмаш» заводи меҳнаткашлари қишлоқ меҳнаткашларига катта ёрдам бермоқдалар. Яқиндагина эса яна бир «зангори кема» Давлат Сифат белгиси билан тақдирланди.

Собир Раҳимов районининг 8 мингдан зиёд меҳнатчиси беш йилликнинг икки йилу тўрт ойи топшириғини муддатидан илгари бажардилар. Район новаторлари ўнлаб автоматик ва поток механизациялашган линияларни ишга туширдилар, 500 дан зиёд техника тараққиётини тезлаштиришга қаратилган турли тадбирларни жорий этдилар. Биринчи Май шарафига компрессор, агрегат, тажриба-механика экскаватор ремонти заводлари, пиллакашлик фабрикаси, 6-қурилиш трести ва бошқа кўплаб корхоналарнинг коллективлари юксак муваффақиятлар ҳақида рапорт беришди. Ҳозир бу коллективларнинг юзлаб вакиллари майдонда байрам колонналари сафида боришяпти.

Сергели районининг меҳнаткашлари минбар олдидан қизил алвонлар, транспарант ва плакатлар кўтариб ўтмоқдалар. Ҳилпираб бораётган шиорларда «Яшасин партия ва халқнинг бузилмас бирлиги!», «КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз!» сўзлари ёзилган.

Сергели Тошкентнинг энг истиқболли районларидан биридир. Бу ерда бирин-кетин янги микрорайонлар барпо этиляпти. Саноат корхоналари кад кўтаряпти. Сергели авиабўлимасининг коллективи қишлоқ хўжалик ишларига бебаҳо ҳисса қўшмоқда. Байрамолди кунларида улар Ўзбекистон далаларида катта ишлар олиб боришди. Бошқа иттифоқдош республикалар хўжаликларига ҳам оталиқ ёрдами кўрсатишди.

Якиндагина Тошкент хариттасида ўнинчи— Акмал Икромов райони пайдо бўлди. Унинг меҳнаткашлари ўнлаб ташаббус ижодкорларидир. Районда москваликларнинг СССР янги Конституциясининг бир йиллигигача беш йилликнинг уч йили планини бажариш даъвати кенг қўллаб-қувватланди. Бу ҳақда транспарант ва шиорлар ёрқин далолат бериб турибди. Уларда мамлакатимиз Асосий Қонунининг, республика янги Конституциясининг қизғин маъқулланганлиги ўз ифодасини топган. Майдон узра партиямизни, меҳнаткаш халқимизни, совет кишиларининг бузилмас бирлигини, уларнинг интернационал бурчга садоқатини шарафловчи сўзлар янграйди.

ВЛКСМ XVIII съездида сўзлаган нутқида ўртоқ Л. И. Брежнев: «Пролетар, социалистик интернационализм— бизнинг буюк кучимиздир, у— эътиқодларимизнинг самараси ва қалб қўримиздир. Ў— бизнинг байроғимиздир», деб таъкидлаган эди.

Тошкент меҳнаткашларининг Биринчи Май намойиши В. И. Ленин васиятларига, Улуғ Октябрь ғояларига, пролетар интернационализмига, коммунизм ёрқин идеалларн учун, ер юзида тинчлик учун муттасил қурашга тайёрликнинг ёрқин намойишига айланди.

Р. ТЭЛЛЬ.

ОТАШИН РЕВОЛЮЦИОНЕРГА БАҒИШЛАБ

Биринчи Май байрамн арафасида Киров районида диққатга сазовор воқеа содир бўлди. Энгельс кўчасида, «Қозоғистон» кинотеатри яқинида содиқ ленинчи, таниқли партия ва давлат арбоби Сергей Миронович Кировга ҳайкал очилди. Киров район партия комитетининг биринчи секретари Г. К. Ҳайдарова очган митингда партия ветерани Г. Олимжонов, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористкаси А. Просина ва бошқалар сўзга чиқдилар.

БАЙРОҚ ТОПШИРИЛДИ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси фақат республикамиз ва мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам машҳурдир.

Филармониянинг «Гўзал», «Шодлик» ансамбллари каби кўпгина коллективлари чинакам совет санъатига хос ижрочилик маҳоратини намойиш этмоқдалар. Уларнинг оҳанрабо куй ва қўшиқлари билан БАМ бунёдкорлари, Ўзбекистон пахтакорлари, Сибирь ғаллакорлари ва Каспий нефтчилари яқиндан таниш.

Ўзбек Давлат филармонияси театр ва концерт намойиш этувчи ташкилотлар ўртасидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунига кўра иккинчи ўринни эгаллади. Бу коллективнинг катта зафар кучганидан далолат беради.

БУГУН

Ўзбек Давлат филармонияси ижодий коллективига янв бир шарафли мукофот— СССР Маданият Министрлиги ва Бутуниттифоқ маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди. Улар бунга қишлоқ меҳнаткашларига кўрсатган катта маданий хизматлари эвазига сазовор бўлишди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

★ СССР ва Покистон ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигин ўртоқлар Покистон Ислом Республикасининг Президенти Фазал Илоҳи Чоудригга ҳамда Покистон Ислом Республикаси ҳукуматининг бошлиги Муҳаммад Зиёулҳаққа телеграмма йўлладилар. Унда дўст Покистон халқига табриклар ва яхши истаклар баён этилган.

Покистон раҳбарлари шонли сана муносабати билан Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигин номига йўллаган телеграммаларида ўз томонларидан Совет Иттифоқи раҳбарлари ва халқларига самимий табриклар изҳор этдилар.

★ СССР қишлоқ хўжалиги министри Месяц Валентин Карповични Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган.

★ Қадимий Самаркандда мамлакатимизнинг атоқли партия ва давлат арбоби Михаил Иванович Калининга ўрнатилган ҳайкал 30 апрель куни тантанали вазиятда очилди.







СУРАТЛАРДА: БАЙРАМ КОЛОННАЛАРИДА.

М. Нуриддинов фотолари.

● БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

Тошкент—Тунис: дўстлик иплари мустаҳкам

Тошкентни ҳақли равишда дўстлик ва қардошлик шаҳри, деб атайдилар. Ўзбекистон пойтахти 1961 йилда биродарлашган шаҳарлар Жаҳон Федерациясига аъзо бўлиб киргандан буён жаҳоннинг етти шаҳри билан биродарлашган. Ер курраснинг турли қитъаларида жойлашган бу шаҳарлар Тошкент билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаб келмоқдалар. Биродарлашган шаҳарлардан бири— Африкадаги давлат пойтахти — Тунис шаҳридир. Ўтган йилнинг август ойида Тунис муниципалитетининг делегацияси шаҳримизга ташриф буюрган эди. Шу йил апрелда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг делегацияси жавоб визити билан Тунис шаҳрида бўлди. Делегация составида Тошкент шаҳар ижроия комитети раиси В. О. Кознмов, Ҳамза район ижроия комитети раиси Ж. Шахбозов ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими Р. Хўжаева бор эди. Делегация бошлиғи В. О. КОЗИМОВдан биз сафар таассуротларини сўзлаб беришни сўрадик.

— Воҳид Охунович, сафардан асосий мақсад нима эди?

— Тошкентлик делегация Тунисга жавоб визити билан борди. Шунинг учун ҳам ўтган йил августда бошланган ишларни ниҳоясига етказишни, Тошкент билан Тунис ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолашни олдимизга асосий мақсад қилиб қўйдик.

— Сизларни у ерда қандай кутиб олишди?

— Очиқ чеҳра ва самимийлик билан кутиб олишди. Биз Тунис тупроғида бўлган биринчи онлардан то жўнаб кетгунимизга қадар тунисликларнинг совет кишиларига, бизнинг мамлакатимизга бўлган дўстлик муносабатларини ҳис этдик. Делегация мамлакатда бўлган биринчи куниёқ унн Тунис шаҳар муниципал кенгашининг президенти, шаҳар мэри Салоҳ Авиж қабул қилди. Қабул вақтида биз икки томонлама шартномада белгиланадиган бўлажак ҳамма визитлар ва учрашувлар тўғрисида суҳбатлашиб олдик.

Яна бир диққатга сазовор жойи шуки, тошкентлик делегация аъзолари Тунисда энг юқори даражада қабул қилиндилар. Масалан, биз муниципалитетда бўлганимиздан кейин Тунис Республикаси миллат мажлисининг раиси жаноб Содиқ Муқаддам ҳузурига ташриф буюрдик. Қабул вақтида С. Муқаддам совет-тунис муносабатларининг муваффақиятли ривожланишидан беҳад мамнун эканлигини изҳор этди. Биродарлашган икки шаҳар ўртасидаги белгиланган ҳамкорликларнинг ривожланаётганлигини маъқуллади ҳамда икки пойтахт ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқаларининг кенгайишини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаяжагини билдирди.

Сафарнинг учинчи куни делегациямизни республика бош министри Ҳ. Нуира қабул қилди. Ҳ. Нуира Тунис пойтахтига бизнинг ташриф буюришимиз бош министрнинг Совет Иттифоқига, жумладан Ўзбекистонга қилган сафарининг бир йиллигига тўғри келганлигидан хурсанд бўлганлигини билдирди. Ҳ. Нуира Тошкентда бўлган кунларини, республика раҳбарлари билан учрашувларини эслади.

Биз шу куни Социалистик дустур партияси директори Муҳаммад ас-Сайёҳ ҳамда республика ички ишлар министри Дхаун Ханаблия ҳузурига ташриф буюрдик. Бу учрашувларнинг ҳаммаси самимий ҳамда Совет Иттифоқига, совет халқига чин қалбдан ҳурмат вазиятида ўтди. Жумладан, Социалистик дустур партиясининг директори ас-Сайёҳ биродарлашган шаҳарлар ўртасида олиб бориладиган тадбирларни аниқлаштириш ва системалаштириш зарурлигини таъкидлаб, бу тадбирлар ўрнатилган дўстлик алоқаларини янада жўшқин ва самарали бўлишига хизмат қилсин, деди.

— Сиз раҳбарлик қилган визит чамаси маълум даражада бунга имкон берган бўлса керак, албатта?

— Ҳа, сўзсиз! 12 апрелда республиканинг Съездлар саройида ҳар икки томондан тақдим этилган шартнома лойиҳасини муҳокама этишга бағишланган учрашув бўлди. Учрашув қатнашчилари менинг Ўзбекистон ССР тўғрисида, мамлакатнинг янги Конституцияси, Ўзбекистоннинг экономика ва маданиятининг ҳамма соҳаларида эришган ютуқлари тўғрисидаги сўзларимни катта қизиқиш билан тингладилар. Ана шу учрашувда муниципалитет раҳбарлари ва делегациямиз аъзоларидан иборат составда ишчи комиссияси тузилди. Ишчи комиссиясига 18 апрелгача иккала шаҳар ўртасида тузиладиган шартноманинг узил-кесил лойиҳасини тайёрлаш топширилди. 19 апрелда муниципалитет биносида Тошкент билан Тунис шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартномада ҳаётнинг турли соҳаларида шаҳарлар ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш кўзда тутилган. Жумладан, ахборотлар ва нашрлар, спортчи ва бадиий коллективлар, шаҳарларнинг санъати, маданияти, тарихи бўйича выставкалар айирбошлаш кўзда тутилган. Бу планнинг ҳаётга татбиқ этилиши шубҳасиз шаҳарларимиз ўртасидаги, Совет Иттифоқи билан Тунис Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатларни ҳамда ҳар тарафлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш манфаатларига хизмат қилади.

Суҳбатни **Ф. ОВЕЧКИН** олиб борди.

● БИЗ — ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТЛАРМИЗ

ЭГИЗ ТАҚДИР

Мамлакатимиз халқларининг дўстлиги ва қардошлиги Совет ҳокимияти барпо этилганидан бери ўтган 60 йилдан ортиқ вақт мобайнида жуда кўп синовлардан ўтди. Айниқса Улуғ Ватан уруши бу дўстликнинг эўр синови бўлди. Бу оғир йилларда мамлакатимиз халқлари ёвуз душманга қарши қўлни қўлга бериб мардона кураш олиб бориб, буюк галабамизни таъминладилар.


Ҳеч эсимдан чиқмайди. Уруш бошланганида ўн уч яшар бола эдим. Отам фронтга кетиб, рўзғор ,ташвиши онам билан менинг зиммамга тушди. Бир йилдан сўнг Москва яқинидан кўчириб келтирилган кабель заводига ишга кирдим. Володя Клюшкин деган тенгқур дўстим билан бир кунда, бир цехда ишлай бошладик. Станокларга бўйимиз етмаганидан, оёқларимиз остига ящик қўйиб беришди. Бизларга Кольчугин шаҳридан келган тажрибали рус ишчилари кабелчилик касби сирларини ўргата бошлашди. Дастлаб иккимизга симларнинг устига қўрғошин, резина қоплашни, кейин бошқа ихтисосларни ўргатишди. Ўша пайтда корхона туну-кун тинмасдан кабеллар ишлаб чиқарарди. Ишчилар ҳар куни 14 — 15 соатлаб меҳнат қилишарди. Завод директори А. Сафонинни кечаси ҳам, кундузи ҳам цехларда кўриш мумкин эди. Бу ажойиб инсонни биз ёшлар худди отамиздай яхши кўрардик.

Шундай қилиб, кеча-кунгача тупроқ чангитиб юрган бўз болалар москвалик ишчилар ёрдамида қисқа вақтда ноппа-ноздандай ишчи бўлиб олдик. Володя иккимизни аввал бригада бошлиғи, кейин мастер ёрдамчиси, мастер лавозимларига кўтарншди. Ҳар иккимиз ҳам шу корхонада ишлаб онлалн, уйли-жойли бўлдик.

1956 йилда Володя СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан иккимизга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Дўстим Владимир Клюшкин билан ҳозир ҳам дўстона алоқаларни давом эттирмоқдамиз. Мен Пензага меҳмонга бориб тураман. Владимир ҳам ўзи учун жонажон бўлган шаҳарга келиб туради.

Икки дўстнинг ўхшаш тақдиримиз, бизнинг Советлар мамлакатида ирқи ва танасининг рангидан қатъий назар, ҳамма миллат вакиллари тенг ҳуқуқли эканлиги, одилдаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида голиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритганди. Беш йилликнинг учинчи йили дастлабки тўрт ойи топшириқлари ҳам барча кўрсаткичлар бўйича ортиги билан адо этилди. Ҳозир корхонамизда жами маҳсулотнинг 45 процентдан ортиғи Давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқариляпти. Тайёрлаётган кабелларимизни Социалистик иқтисодий ҳамкорлик кенгаши аъзоси бўлган мамлакатлар билан бир қаторда Германия Федератив Республикаси, АҚШ, Италия каби ривожланган капиталистик мамлакатлар ҳам сотиб олляпти. Бу бизнинг кўп миллатли коллективимиз учун гоят фахрли ҳодисадир.

Ж. РОЗИҚОВ,
«Ташкенткабель» заводи оғир шланглн кабеллар цехининг смена мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.



Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг Тошкент V халқаро кинофестивалига маҳаллий саноат корхоналари ҳам қизғин тайёргарлик кўришяпти. Улар совға буюмларини тайёрлаб беришмоқда. Байрам арафасида ана шундай бежирим буюмларнинг биринчи туркуми савдо тармоқларига чиқарилди. Ушбу фотолавҳада Давлат махсус бадиий конструкторлик бюросининг ишчиси Умаф Хожнакбаров сополдан ўзи тайёрлаган янги буюмни нўздан нечирмоқда.

Н. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ШАРТНОМА ТУЗИЛДИ

14-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юрти интернационал дўстлик клубида Қирғизистон ССРнинг Ош шаҳридаги 12-шаҳар ҳунар-техника билим юрти билан азалий дўстлик алоқалари боғланйди. Болалар ўз тажрибаларини ўртоқлашадилар, мактублар, табриклар, совғалар билан ўзаро айирбошлайдилар. Яқинда Ош шаҳридан болалар дўстлари ҳузурига меҳмон бўлиб келишди. Улар устахоналарни, тарих музейини ва «Ташсельмаш» заводининг цехларини бориб кўрдилар, билим юрти ва завод комсомол комитетининг аъзолари билан, билим юртининг собиқ талабалари— ҳозир ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари билан суҳбатлашдилар.

Икки қардош республика билим юртларининг дўстлик кунлари ранг-баранг маросимларга бой бўлди. Меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар, улар билан бирга В. И. Ленин Марказий музейининг филиалида партия ва комсомол ветеранлари билан учрашдилар, доҳий номи билан аталувчи майдондаги В. И. Ленин ҳайкали пойига, Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйдилар.

Билим юртида интернационал дўстлик клубининг аъзолари Қирғизистонлик дўстларига Тошкент метросининг биринчи навбати қурилиши ҳақида ҳикоя қилиб бердилар. Чунки уларнинг ўзи ҳам бу қурилишда актив иштирок этишган.

В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллигига бағишланган коммунистик шанбалик куни Қирғизистонлик меҳмонлар билим юрти ўқувчилари билан бир сафда туриб ҳунар-техника билим юртининг янги комплекси қурилишида меҳнат қилишди, дўстлик хиёбонига асос солдилар. Кечқурун эса интернационал дўстлик оқшомида иштирок этишди.

Шу куни ҳар икки билим юрти ўртасида социалистик мусобақа тўғрисида шартнома тузилди. Унда касб маҳорати конкурсларини ўтказиш, тажрибаларни ўртоқлашиш, 12-шаҳар ҳунар-техника билим юрти интернационал дўстлик клуби аъзоларининг Ош шаҳрига сафар қилишлари кўзда тутилган.

Р. ТЭН,
14-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртн комсомол комитетнинг секретарн.

СОВҒА

«Главташкентстрой»га қарашли 3-қурилиш трести байрам арафасида Пролетар кўчасида Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси Тошкент бўлимининг олдидан билетлар сотиш кассаси қурилишини тугаллади.

Трест қурувчилари Максим Горький майдонида «Болалар дунёси» магазини қурилишини ҳам тугаллашди. Объектдаги қурилиш-монтаж ишларини мазкур трест 5-қурилиш бошқармасининг Николай Лаптев раҳбарлигидаги комплекс бригадаси аъзолари амалга оширишди.



Ленин орденли Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи 1 Май байрамини меҳнатда катта ютуқлар билан кутиб олмоқда. Тўрт ойлик ишлаб чиқариш топшириқ лари муваффақият билан янунланди.
СУРАТДА: бирлашма бош корхонасн илғор сменаси чеварларидан бир группаси.
М. Нуриддинов фотоси.

● ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДА

САЙҚАЛЛАШ ТУГАЛЛАНДИ

— Бошқарма биз коллективи Биринчи Май байрамини ёруғ юз билан кутиб олди, — дейди «Главташкентстрой»га қарашли Пардозлаш тресги 28-қурилиш бошқармасининг бошлиғи Собир Азизович Азизов. — Ишлаб чиқариш пешқадамлари бошчилик қилаётган кўплаб бригадаларимиз май ойини келгуси йиллар ҳисобига меҳнат қилиш билан кутиб олишди.

Бошқарма сайқалчилари Охунбобоев майдонида пойтахтимизнинг улкан дорихонасида сайқаллаш ишларини тугаллашди. Объектда пардоз ишларининг тез ва сифатли адо этилишида Петр Савчук бошлиқ бўёқчилар, Аскар Зиёвутдинов бошлиқ дурадгорлар ва Жамол Охунжонов раҳбарлигидаги сувоқчилар бригадаларининг азаматлари меҳнатсеварлик намуналарини намоён этдилар.

Бошқарма бинокорлари Сергели массивида 150б ўқувчига мўлжалланган мактаб биноси қурилишида ҳам жилокорлик ишларини авж олдириб юборишди. Бу ерда бошқарманинг етакчи коллективларидан ҳисобланган Виктор Ботрин етакчилигидаги бригада сувоқчилари кунлик нормаларини ошириб бажаришга муваффақ бўлишмоқда.

● ЯНГИЛИК! ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

МЕТРОСОЗЛАР ТУҲФАСИ

◆ ЭСКАЛАТОР ФОЙДАЛАНИШГА ТОШИРИЛДИ ◆ СТАНЦИЯНИНГ ИККИНЧИ ДАРВОЗАСИ ◆ ПОЕЗДЛАР ТЕЗЛИГИ ОШМОҚДА ◆ ҒОЛИБЛАРГА МУКОФОТ

Москва метро қурилиш трестига қарашли 4-қурилиш-монтаж бошқармасининг Владимир Фоминский бошлиқ монтажчилар бригадаси мана бир неча ойдирки Тошкент метросининг «Ҳамза», «Халқлар дўстлиги» ва «Пахтакор» станцияларида эскалаторларни монтаж қилишмоқда. Бригаданинг В. Смагин, А. Долгодворов, В. Баландин, В. Гвоздиков каби монтажчи мутахассислари «В. И. Ленин майдони» станциясида амалга оширган эскалаторлар монтажи сифатига Давлат қабул комиссияси аъло баҳо берди.

— Энди навбат «Ҳамза» станциясига, — дейди Тошкент метрополитени бошқармасининг эскалатор дистанцияси бошлиғи И. Д. Шелест. — Қурувчилар иккинчи вестибюлларни битказишн билан бирин-кетин «Ҳамза», «Пахтакор» ва «Халқлар дўстлиги» станцияларида ҳам эскалаторларни ишга туширамиз.

«В. И. Ленин майдони» станциясининг ишчан коллективи ҳам бу ер ости қасрининг иккинчи дарвозасини фойдаланишга қабул қилиб олиш учун катта тайёргарлик кўрди. Эскалатор навбатчилари «танга майдалаш автоматлари ва турникетлар»нинг операторлари, фаррош ва навбатчилар пойтахтнинг Бош майдонига олиб чиқувчи вестибюлни намунали тутиш учун ўз ишларини пухта ташкил этдилар. Станция коллективи биринчи квартал иш якунларига кўра метрополитен бошқармаси бўйича биринчи ўринни эгаллаб, кўчма Қизил байроқни қўлга киритди. Бу, бежиз эмас. Станцияда йўловчиларга ҳар жиҳатдан намунали хизмат кўрсатиш, ер ости қасрини ҳамиша озода ва саранжом сақлаш, мураккаб замонавий техника воситаларининг кам-кўстсиз ишлашига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Тошкент метросини томоша қилган кўплаб чет эллик меҳмонлар ҳам доҳиймиз номи билан аталаётган ушбу станциянинг ўзига хос архитектураси ва станция коллективининг меҳнатига юксак баҳо бермоқда. Станция ҳозир ҳар куни 14 мингдан кўпроқ йўловчига юксак даражада хизмат кўрсатмоқда.

— Иккинчи вестибюлимиз очилиши муносабати билан станциямиздан фойдаланадиган йўловчилар сони бирмунча ошди,— дейди бекат бошлиғи Ҳалима Бабалиева.—Биз йўловчиларга аъло даражада хизмат кўрсатиш, уларнинг қимматли вақтларини тежаш учун барча имкониятларимизни ишга соламиз.

Тошкент метроси фойдаланишга топширилганига эндигина олти ой бўляпти. Аммо ана шу қисқа давр мобайнида метро тошкентликларнинг ҳаётига сингиб кетди. Ҳозирга қадар 24 миллиондан кўпроқ йўловчи унинг хизматидан фойдаланди. Поездлар тезлигини ошириш, тезликни автоматик ростлаш, қатнов вақтини қисқартириш соҳасида бир қатор янгиликлар амалга оширилди. Бугундан бошлаб эса ер ости поездлари янги график асосида қатнай бошлади. Энди йўловчилар «Октябрь революцияси» станциясидан «Собир Раҳимов» станциясигача илгарнги 19 минут ўрнига 17 минутда етиб боришмоқда.

— Ер ости поездларининг бекатларда тўхташ вақтини қисқартириш ҳамда тезлик миқдори вақтинча чекланган участкаларда тезликни ошириш ҳисобига қатнов вақтини қисқартиришга муваффақ бўлдик.— дейди Тошкент метрополитени бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Ж. Миржалилов.— Бу йўловчилар вақтини тежаш билан бирга, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш имконини ҳам беради.

Соатига 70 километр тезликда ҳаракат қила бошлаган ер ости поездлари энди бекатларда 30 секунд ўрнига 20 секунддан тўхтаб ўтмоқда. Йўловчилар кўп бўладиган «Ҳамза» ва «Чилонзор» станцияларида эса тўхташ муддати 25 секунд. Тошкент метросида бугундан бошлаб йўлга қўйилган бу қулайликлар пойтахт аҳолисига кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрликнинг яна бир ифодасидир. Шу кунларда метронинг иккинчи участкасн қурилиши ҳам жадал суръатда олиб борилляпти.

М. АБДУЛЛАЕВ.

● ДУСТЛИК ҚОНУНИ БИЛАН

РОССИЯДА «ЎЗБЕКИСТОН»

Пойтахтдаги «Средазгипроцелинстрой» лойиҳа институтида Иваново областида қуриладиган совхозлар лойиҳаси яратилмоқда. Мухбиримиз институт комплекс лойиҳалар бўлимининг бош архитектори Турсун Маҳсумов билан учрашиб, ундан лойиҳачилар олиб бораётган ишлар ҳақида сўзлаб беришини илтимос қилди.

— Бепоён Россиянинг асрлар қаровсиз ётган ноқоратупроқ ерларига Бутуниттифоқ комсомол-ёшлари ҳужум бошлашганидан бери кўп вақт ўтгани йўқ. Бироқ, қисқа вақт ичида ҳам бу зонада анчагина ишлар амалга оширилди. Ноқоратупроқ заминини ўзлаштиришга ўзбекистонликлар ҳам улуш қўшишмоқда. Ўтинчи беш йилликда «Главсредазирсовхозстрой о й»бош бошқармаси коллективи ноқоратупроқ ерларда юз минг сўмликдан знёд қурилиш ишларини амалга оширишн кўзда тутилган.

Одатда ҳар бир иш режадан бошланади. Бўлимимиз архитекторлари ва инженерлари ноқоратупроқ зонада барпо этиладиган совхозлар лойиҳасини яратишдек катта ва масъулиятли вазифага дадил қўл урди. Бўлимимиз Иваново областидаги Фурманов районида қуриладиган «Ўзбекистон» ва Иваново районида барпо этиладиган «Дружба» совхозлари лойиҳаларини ишлаб чиқишмоқда. Бу иш институтимиз коллективи зиммасига юклатилгач, комплекс лойиҳалар бўлими ташкил этилган эди. Унда бош конструктор М. Шенкер, электр таъминоти бўйича бош мутахассис П. Витошников, группа раҳбари Л. Чубей сингари тажрибали меъмор ва инженерлар ҳамда М. Халилова, Ф. Тўлаганова каби ёш талантли ижодкорлар меҳнат қилашмоқда.

Лойиҳаларни яратишда Иваново областининг табиий жойланиши, иқлими, халқининг анъана ва традицияларн ҳисобга олинган. Ҳар бир совхозда ўртача бир минг икки юз нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Турар жой бинолари асосан бир ва икки қаватли қилиб барпо этилмоқда. Бу объектлар қурилишига Жиззах ва Қаршидаги уйсозлик комбинатларининг ишчилари томонидан тайёрланган биноқорлик материаллари ишлатилмоқда.

Совхозда бунёд этиладиган барча объектлар қурилишида ишчиларнинг замонавий талаб ва эҳтиёжлари эътиборга олинган. Совхоз марказлари— посёлкаларда маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари, савдо корхоналари, клублар қурилади. 392 ўқувчига мўлжалланган мактаб биноси, болалар боғчаси совхозда истиқомат қиладиган кишиларнинг фарзандларига мўлжаллаб бунёд этилади.


«Ўзбекистон» совхозида эллик кишига мўлжалланган чойхона биноси қурилишининг лойиҳа чизмалари ҳам тайёр бўлди. Чойхона гумбаз шаклида бўлиб, у ўзбек миллий шаклари билан безатилади. Чойхона совхоз ўзбекистонликлар томонидан яратилганлигини, ўзбек халқи билан рус халқи ўртасидаги азалий дўстликни ифодалаб туради.

Совхоз асосан чорва молларини қўпайтириш ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Шуни назарда тутиб 1200 бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплекси қуришга қарор қилинди. Комплексда молларни емхашак билан таъминлаш, оғилхоналарни тозалашдан сут согиб олишгача бўлган барча жараёнлар механизациялаштирилади. Совхозда қишлоқ хўжалиги машиналарини сақлаш, уларни ремонт қилиш каби мақсадларда ҳам қатор бинолар қурилади.

Мен байрам арафасида Иваново областида «Ўзбекистон» совхози қурилишида бўлдим. Совхозда ҳамшаҳарларимиз амалга ошираётган ишлар билан танишдим. «Средазгипроводхлопок» институти коллективи томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар бўйича ноқоратупроқ зонанинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш тармоқларини барпо этиш ва ерни деҳқончилик экинларини экишга мослаштириш билан машғул бўлган мелиораторларнинг катта ҳажмдаги ишлари ҳамда институтимиз меъморлари, конструкторлари томонидан яратилган бинолар лойиҳаси асосида қурилаётган иншоотлар россияликларга манзур бўлаётганини кўрдим.

Ивановолик ҳамкасбларимиздан Николай Смирнов, Геннадий Белов, Людмила Суданова ва бошқа мутахассислар ҳам тошкентликлар яратган лойиҳалар бўйича қурилаётган совхозлар Иваново области экономикасини юксалтиришда, чорбоғларда яшаётган рус деҳқонларн ва чорвадорларнинг турмуш шароитларини яхшилашда муҳим аҳамият касб этажагини айтишмоқда.

Биринчи Май байрамини ноқоратупроқ ўлкани ўзлаштиришдек олижаноб ишга улуш қўшиш билан кутиб олаётган республикамиз комсомол-ёшлари совхозлар қурилишини тез суръатларда сифатли қилиб битказиш ниятидалар.



ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИДА

Қурилиш техникумида Тошкент шаҳрининг қурилиши ва унинг архитектурасини акс эттирувчи махсус кўргазма очилди. У кейинги йилларда шаҳримизда қурилган замонавий муҳташам бинолар, сўлим оромгоҳлар ҳақида ҳикоя қилади.

Шунингдек, техникум факультетларининг дипломантлари тайёрлаган янги телевизион миноpa макети киши диққатини жалб этади. Кўргазма экспонатларида улуғвор ўнинчи беш йиллик қурилишлари ҳам ўз ифодасини топган.

Р. ЭРГАШЕВ,
қурилиш техникуми ўқитувчиси.

Тарих солномасидан

Тошкентда 1 Май намойиши

Тошкентда 1 Май намойиши биринчи марта қачон бўлганини биласизми?

...1904 йил. Тошкент социал-демократлари марксизм-ленинизм ғояларини актив пропаганда қилаётган, ишчиларнинг сиёсий чиқишларига тайёргарлик кўрилаётган паллалар. Темир йўл ишчилари ўртасида ташкил топган социал-демократик тўгарак ва группаларнинг аъзолари бутун дунё ишчиларининг бирдамлик куни — 1 май намойишини ўтказиш ташаббускорлари бўлдилар.

Большевик В. Д. Корнюшин уйида 1 май арафасида яширин йиғилиш бўлиб, маёвка плани ишлаб чиқилди. 1 май тонгида социал-демократ ишчилар Лаптев ва Рудин бош темир йўл устахонаси дарвозаси олдига варақалар ташладилар. Иш куни тугашига бир неча дақиқа қолганда, барча ишчилар варақада ёзилганига мувофиқ устахона ҳовлисида тўпланишди, «Яшасин биринчи май!», «Йўқолсин зулм» ва бошқа чақириқлар янгради. Ишчилар «Марсельеза»ни куйлаб, кўчага чиқишди. Полициячилар намойиш ташкилотчиларини топишга уриндилар «аммо бунга муваффақ бўла олмадилар». Шу куни бошқа корхоналарнинг кўплаб ишчилари ҳам 1 майни байрам қилишди.

1905 йил 1 майида Тошкент тарихида иккинчи марта халқаро бирдамлик куни байрам қилинди. РСДРПнинг Тошкент группаси Биринчи май куни ишчиларга тарқатилди. Шу куни Тошкент ишчилари ишга чиқмадилар. Шаҳар ишчилари Тошкентнинг уч жойида яширин равишда тўпланишди. Улар орасида солдатлар, ҳунармандлар, хизматчи ва ўқувчилар ҳам бор эди.

Намойишчилар қизил байроқлар кўтариб олишганди. Уларга эса «Йўқолсин чор» ҳокимияти», «Яшасин халқ ҳокимияти» деган шиорлар ёзилган эди. В. Корнюшин ва бошқа социал-демократлар нутқ сўзладилар. Улар ишчиларнинг турмуш оғирлиги, халқнинг сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этилгани ва бошқа-дан сўзладилар. Ишчилар норозилик билдиришди. Аммо устахона бошлиғи ишчилар талабини қондиришга мажбур бўлди. Бирок улар намойиш айбдорини топишни талаб қилдилар. Ишчилар бундан бош тортиб, солиқни бекор қилишни қатъиқ талаб этдилар. Маъмурият устахонани беркитди ва полицияга мурожаат этди. 3 июнгача ишчиларга корхона билан хайрлашиш тақлиф этилди. Бунга жавобан 30 май куни темирйўлчилар яна иш ташладилар. Бошқа шаҳарларнинг ишчилари ҳам буни қўллаб-қувватладилар. Маъмурият 27 июнь куни устахонани очишга мажбур бўлади. Бўшатилган ишчилар ҳеч қандай шартсиз қайта ишга олинди.

...Улуғ Октябрь галабасидан сўнг 1— 2 май кунлари дам олиш ва байрам кунлари деб эълон қилинди, ҳар йили озод мамлакатимизнинг ҳур меҳнаткашлари уни шодиёна байрам қилмоқдалар.

И. АЛИМОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари кандидати.

Барот БОЙҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати

МАЙ ҚАСИДАСИ

Қанча солма қалбимга оташ дийдор.
Битмагандим шаънингга мендек барча бахтиёр одам
ашъор. Субҳидамда уйғониб барвақт,
Пешвоз чиқиб йўлингга Шодлигинга тор келиб олам
яккаш Сени қаршн оларди ҳар вақт.
Кўришгандим сен билан Шу одатни этмасдан канда
Кутиб олдик бугун ҳам сени Иқбол тожи кулар бошингда.
Толе кулган ажиб Ватанда Боғлаб олиб олтиндан камар,
Васлинг билан шод этдинг Истиқболинг турар қошингда.
мени. Субҳидамдан чаманзор аро
Сен келгунча сўлим баҳор ҳам Мавжланмоқда шодлик айёми.
Табиатни буркади гулга. Юрт ҳуснига бахш этиб оро,
Рухсорингни кўрган ҳар одам Қўлларингда Ғалаба жоми,
Таскин берди ошиқ кўнглига. Олтин жомни узат, марҳабо,
Келинчакдек ясаниб Ватан, Истиқбол-чун бир қултим
Бугун сенга ўқийди олқиш. ичай.
Ҳар қадамда яратдик чаман, Зафарларга чорла доимо,
Юракларда қуёшдек болқиш. Бахти кулган, эй Биринчи
Бокирасан бугун нақадар, Май!

● ТАБИАТ ВА ИНСОН

ҚИРҒОВУЛЛАР НЕГА ЙЎҚОЛМОҚДА?

ГАЗЕТХОН МУЛОҲАЗАЛАРИ

Ўзбекистондаги дарё ва кўллар атрофида жойлашган тўқайлар, қамишзорлар ва калин бутазорларни бундан 30-40 йиллар илгари кўркам парранда— қирғовулларсиз тасаввур этиб бўлмас эди. Лекин буларнинг сони йил сайин тобора камайиб кетмоқда. Бу қушлар ўта ўтроқ ва яширин яшайди. Қирғовуллар саккиздан 22 тагача тухум қўяди ва уни жойларга қараб март-апрелда очиб чиқади. Тухумни модаси босади, бу вақтда нари модаси атрофида айланиб юриб, хавф-хатардан уни воқиф этади. Тухумини 21—22 кун босади. Жўжалари тухумдан бир вақтнинг ўзида чиқади.

Ер юзида қирғовулларнинг 175 тури бор. Жумладан СССР территориясида фақат оддий қирғовул тури яшайди. Ўзбекистонда ва Қорақалпоғистон АССРда Сирдарё қирғовули, Зарафшон қирғовули ва Хива қирғовули деб номланадиган кенжа турлари учрайди. Ўзбекистон билан Тожикистон чегаралари атрофида эса Тожикистон қирғовулини учратиш мумкин. Юқоридаги уч кенжа тур Сирдарё ва Амударёнинг ўрта ва қуйи оқимида жойлашган тўқай, қамишзор ва бутазорларда тарқалган. Булар ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотлари билан овқатланади. Ёзда айниқса бола очган даврда ҳашаротлар, чувалчанглар ва молюскалар; кузда эса ёввойи ва маданий ўсимлик уруғлари, барглар, резавор-мева ва бошқалар билан озиқланади.

Қирғовулларда яхши бир хусусият бор. Улар сони оз миқдорда қолган тақдирда ҳам тезда кўпайиб кетиши мумкин. Уларга озиқишта шароит яратиб берилса, бир жуфт нар ва мода бир мавсумда 20 тагача жўжа очиши мумкин. Бундай кўпайишда унинг сони тез вақт ичида тикланади. Қирғовуллар биологиясини ҳисобга олмаган баъзи мутахассислар уларни маълум сонда бошқа ерга келтириш йўли билан тиклаш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Бунга мисол қилиб Тошкент ва Сирдарёдаги ороларга келтирилиб тарқатилган Етисув қирғовуллари яққол мисол бўла олади.

Қирғовуллар сонининг тикланишида улар кўпаядиган вақтда овламаслик катта аҳамиятга эга. Хоҳ табиатда, хоҳ кўриқхоналарда қирғовуллар сони кўзланган миқдорга етгач тақдирдагина махсус рухсат билан овлашга ижозат бериш яхши натижа беради. Қирғовуллар сонини кўпайтириш юзасидан юқоридаги чора-тадбирлар кўрилган тақдирда ҳам табиат мутаносиблигини бузувчи айрим шахслар топилгудек бўлса уларга қаттиқ танбех бериш билан бирга табиат олдида жавобгарликларини тушунтириш керак бўлади.

Х. ГУЛОМОВ,
С. МАТЁҚУБОВ,
биология фанлари кандидатлари.

АРАФАДАГИ ҚУВОНЧ ВА ТАДБИРЛАР

23 майда V халқаро Тошкент кинофестивали очиладн. Ушбу мақолада фестиваль муносабати билан шаҳримизда кўрилаётган ҳозирлик ҳақида ҳикоя қилинади.

●

— Тошкент — Шарқнинг машҳур шаҳарларидан бири, — деган эди ҳиндистонлик истеъдодли санъаткор. IV халқаро Тошкент кинофестивали қатнашчиси Кети Мирза. — Мафтункор ўлкангизга ташриф буюриш насиб этганидан ғоят шод ва бахтиёрман. Мени кино оламига бошлаб кирган режиссёр Ўзбекистондан бўлганлиги учун ўзбеклар диёри ва унинг гўзал пойтахти мен учун азиз ва қадрдон бўлиб қолди. Кинорежиссёр Латиф Файзиев томонидан постановка қилинган «Ганг узра тонг» бадиий фильмини чиналам интернационал группа яратди. Бунда руслар, ўзбеклар, тожиклар, ҳиндлар иштирок этишди. Тошкент кинофестивали барча санъаткорлар учун, айниқса биз ёш лар учун катта ижодий мактаб бўлди. Биз Тошкент анжуманида киноижодкорлар билан дийдор кўришиб, тажрибаларимизни бахам кўрдик, ютуқларимизни ўртоқлашиб, бир-биримиздан ўрганяпмиз. Обод ва гўзал шаҳрингизда фестиваль иштирокчилари учун барча шароитларнинг яратиб берилганидан, мезбонларнинг очиқ чеҳраси, ширин ва дилкаш илтифотидан жуда-жуда миннатдормиз...

Мана, орадан икки йил ўтди. IV Халқаро Тошкент кинофестивалида экранга тавсия этилган қатор фильмлар ўша мамлакатларнинг халқлари, уларнинг турмуши, ижтимоий тараққиёт йўлидаги кураши, урф-одатлари ҳақида томошабинларга ҳикоя қилиб келмоқда. Минг эшитгандан бир кўрган афзал, дейди халқимиз...

Бу йилги фестиваль янада серфайзроқ ва сермазмунроқ ўтишига аминмиз. Шунинг учун фестивалнинг ташкилий комитети, Бош дирекцияси, Ўзбекистон ССР кинематография Давлат комитети ҳамда Республика Кинематографчилар союзи, ҳўлас барча кино ходимлари ана шу улкан анжуманга ҳар тарафлама қизғин ҳозирлик кўришмоқда.

Бу ҳақда Тошкент шаҳар ижроия комитети кинолаштириш бошқармасининг бошлиғи Қ. Дониёров шундай ҳикоя қилади:

— Тошкентда Осиё. Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари V халқаро Тошкент кинофестивали асарларини намойиш этиладиган кинотеатрлар сони бу йил янада кўпайди. «Гипрокино» институти проекти асосида Юнусобод массивида икки зал-лик, 450 ўринли яги, кенг экранли сер-ҳашам кинотеатр қурилиб, фойдаланишга топширилди. Пойтахтимизнинг Ленин номли, Октябрь ва Сергели районларида ҳам янги кўркам кинотеатрлар қад кўтарди. Бу кинотеатрларда дастлаб V Халқаро Тошкент кинофестивали фильмлари намойиш этилади. Пойтахтнинг 12 кинотеатри ҳам бу анжуманга шай.

Санъат саройи одатдагидек, бу йил ҳам фестиваль маркази бўлади. Фильмларнинг расмий намойиши, кино арбобларининг томошабинлар билан учрашувлари шу муҳташам саройда ўтказилади. Санъат саройини фестивалга ҳозирлаш поёнига етай деб қолди. Залдаги тўртта проекторнинг ҳаммаси замонавий ва мукаммаллари билан алмаштирилди. Аппаратлар Одессадан келтирилган янги конструкциядаги проекторлар билан алмаштирилди. Санъат саройи буюртмасига мувофиқ Калинин шаҳридаги сунъий чарм заводи коллективи тайёрлаб берган янги экран полотноси ўрнатилди. Алоҳида пластикадан тайёрланган янги экран фильмлар кўрсатувининг сифатини оширади. Шунингдек, синхрон таржима учун мўлжалланган мосламалар монтаж қилинди, бу бешинчи фестиваль қатнашчиларига ўз тилларидаги таржимани осонгина танлаб, тинглаш имконини беради. Санъат саройининг ҳар иккала залида ҳам, фестиваль кунларида ҳавонинг мўътадил таъминлаш мақсадида кондиционер системалари ремонтдан чиқариляпти.

Худди шу тарздаги тайёргарлик шаҳримизнинг «Чайка», «Тошкент Советининг 50 йиллиги», «Қозоғистон», «Москва», «Нукус», «Дружба» кинотеатрларида ҳам қизғин бормоқда.

Шаҳримиз фестивални қизғин қаршилаётганини яна бир мисол очиқ-ойдин кўрсатади. Шу кунларда металл-фурнитура заводи ҳунармандлари фестиваль эмблемаси туширилган эсдалик-ёдгорликлар тайёрлашяпти. Тошкент шаҳар кинофильмлар прокати конторасн эса мамлакатимиз ва чет эл кино санъатининг тараққиётидан ҳикоя қилувчи лавҳалар, фотоплакатлар, рангли кинокадрлар тайёрлаб чиқмоқда. Шу кунларда СССР халқ артисти Малик Қаюмов драматург Генрих Гурков сценарийси асосида «Тошкент билан учрашув» номли рангли ҳужжатли фильмни суратга олмоқдаки, бу асарда ҳам анжуманлар шаҳри ва Тошкент фестивалларн тарихи ҳақида ҳикоя қилинади. Бу фильмда Лев Ошанин ва Рамз Бобожонларнинг «Шарқ юлдузи» қўшиги янграб турали:

Шарқ юлдузи!
Иқболим-бахтим!
Яшка. Тошкент!
Дўстлик пойтахтим!

Санд ҲЎЖАЕВ.

АНСАМБЛНИНГ ПАРВОЗИ

«Парвоз» ашула ва рақс ансамбли ўзининг илк қадамини авиация корхонасининг цехидаги қизил бурчакда бошлаган эди. Эндиликда у шаҳримиздаги кўзга кўринган ҳаваскорлик коллективларидан бирига айланди.

Ансамбль Марказий телевидениенинг «Адресимиз Совет Иттифоқи» телевизион конкурси кўрсатуви тақлифига кўра Москвага борди. Ўзбек ансамбли ўн беш қардош республика талантлари билан катта даврада маҳоратини намойиш этди. Ўзбек ҳаваскорлари сафарда Иваново области меҳнаткашлари ҳузурида бўлиб, қатор дўстона учрашувларни ўтказдилар.

Ҳаваскорлик коллективи Тошкент область комсомол комитети тақлифига биноан Бўстонлиқ районида янги концерт программасини дала меҳнаткашларига намойиш этди. Томошабинлар З. Иброҳимов, А. Жалилов, С. Жўраев, С. Тошпўлатова, Ж. Жалолов, Г. Муҳаммаджоновалар ижро этган кўшиқ ва рақсларни олқишлар билан кутиб олдилар.

Шу йил Кубада бўладиган Жаҳон ёшлари ва студентларининг халқаро фестивалига бағишланган Тошкент бадиий ҳаваскорлик коллективларининг кўригида ансамбль биринчи даражали диплом билан тақдирланди ва республика кўригига йўлланма олди.

Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Восток» клубининг «Парвоз» ансамбли шу кунларда комсомолнинг 60 йиллик юбилейига атаб композитор Тўлман Ҳасановнинг «Олтин қўллар» сюитасини тайёрламоқда.

С. СИРОЖИДДИНОВ,
маданият институти студенти.

ЧОЛ ВА ҚИЗЛАР

(МАЙ ҲАЗИЛИ)

Атлас кўйлакларда ял-ял товланиб,
Кўчани тўлдириб ўтади қизлар.
Уларку ўтади,
ортидан ёниб —

Кўз билан кузатиб қоламиз бизлар!
Ҳеч ким сўрамасин, ёшинг нечада?
Гарчанд сочингизда қора толалар.
Биз шундай...
Сизнинг ҳол нима кечади —

Ўн саккиз ёшли зй, магрур болалар?!
Шундай деб ёнимга қарасам бир бор,
Маҳалла кексаси юз ёш бобо ҳам,
Тўхтаб қолганича боқар нитизор,
Интилар ўзини тутишга бардам!

Термулар, кўзига ёшарар дунё,
Гўё у нишонга олянган овчи.
Сўрайман:
— Ҳа, севиб қолдингизми ё?
Танланг,
майли ўзим бўлайин совчи!

Оппоқ соқолини тутамлаб олиб,
Олам тор туюлар қичқирлаб кулса.
Шу чоқ қалқиб кетиб йиғлаёзди,
Яхшиям қўлида бор экан ҳасса...

ТЎЛҚИН.



Раққосалар. М. Нуриддинов фотоси.

Кувнок сатрлар

Тез юрар поезд йўловчиси поезд тез-тез тўхтаётганлигига эътибор берди.

— Биз нега яна тўхтаб қолдик! —деб сўради у проводникдан.

— Рельслар устига сигир ётиб олибди.

— Сигир! Лекин биз бугун бешинчи марта тўхташимиз-ку! Нима, бу ерда сигир кўпми!

— Йўқ, бу ўша сигирнинг ўзи. Биз уни яна қувиб етдик.

* * *

— Сенинг хотининг овқат қила оладими!

— Қила олади. Фақат мен у қилган овқатни ея олмайман.

* * *

— Марко, сен балиқлар нега соқоллигини биласанми!

— Йўқ.

— У ҳолда сувга шўнгигин-да, менга бирон нарса дегин!

* * *

Бир кун Суқрот бир бой билан бирга йўлда кетаётганди. Шунда улар шу атрофда қароқчилар юрганлигини эшитиб қолишди.

— Вой, улар мени билиб қолишса шўрим қурийди-ку! — деди шунда бой.

— Вой, улар менн танишмаса нима бўладн! — деди Суқрот.

* * *

Пианиночи Листнинг «Венгер рапсодия»сини завқ билан ижро этаётганди.

— Сиз, афтидан, венгер бўлсангиз керак! — деди унинг қўшниси.

— Йўқ, мен музикачиман.

● ЭПИГРАММА

«УЛҒАЙИШ»

Гўдакликда
кўп сут ичса ҳам,
Сигар эди
кичик бешикка.
Лекин бугун
юз грамм отиб,
Сира сиғмас
кўча —эшикка.

Тўйчи ДЎСМАТОВ.

● ЯНГИЛИКДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ!

ЧИЛОНЗОРДА УНИВЕРСАМ ОЧИЛДИ

КЕЧА

байрам арафасида Чилонзор массивининг 19-кварталидаги 16-уйда янги универсам эшиклари очилди. «Хизмат— беминнат» савдо фирмасига қарашли бу магазин Биринчи Май байрами муносабати билан массив аҳолисига тайёрланган арзигулик совға бўлди.

Магазинининг умумий майдони 500 квадрат метрдан иборат бўлиб унда 50 савдо ходими аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Савдо корхонаси бир кунлик ўзидан 5 минг киши-нинг узогини яқин қилишга мўлжалланган.

Универсамга ўрнатилган барча аппаратлар Югославиядан келтирилган. Кўша-кўша электрон ҳисоблаш тарозилари, қадоқлаш тарозилари ишлаб турибди.

Магазинда нои, кондитер, баққолчилик, сабзавот, гастрономия бўлимлари бор. Бундан ташқари кафетерий, буюртмалар столи, уй бекаларига аталган бўлим ҳам ишлаб турибди.

Боғларда баҳор

ФОТОРЕПОРТАЖ



Шаҳримиздаги ўн беш боғнинг ҳаммасида аэнз меҳмонларимиз ва ҳамшаҳарларимизнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Доҳаймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллиги кунида очилган боғларимизда бугун ўзгача файз, тантана. Бу йил шаҳримиздаги боғларни мавсумга тайёрлаш учун 600 минг сўмлик капитал ремонт ишлари бажарилди. 10 та янги аттракцион, 9 минг сўмлик янги мебеллар билан бирга тўртта автобус олинди. Пушкин, Ленин, Горький ва Тельман номли маданият ва истироҳат боғларида янги яшил театрлар ишлай бошлади. Бу йилги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигида барча боғларга 12 минг туп дарахт, 40 минг дона яшил тўсиқ ва ранг-баранг гуллар ўтказилди. Бу мавсумдан бошлаб Ленин номли болалар боғидаги кичкинтойлар учун мўлжалланган «Автомобиль шаҳарчаси» ишлай бошлайди. Кичкинтойлар бу ерда машина бошқаришни ўрганиш билан бирга давлат автомобиль инспекциясининг барча қоидаларига амал қилишлари ва ўрганишади. Ҳозир боғ маъмурияти 30 та кичкинтойлар машинасини сотиб олган бўлиб, электромобиль машинаси учун 29 минг сўм ажратди.

Бугун— баҳор байрами— 1 Майда шаҳримиздаги барча боғларда юз мингдан ортиқ ҳамшаҳарларимиз ва меҳмонлар дам олишади. Тельман номли маданият ва истироҳат боғи ёшлар ва кичкинтойларнинг энг севимли жойларидан бирига айланган. Айниқса, бугунги байрам кунида бу ерга ташриф буюрувчиларнинг кети узилмайди. Бир неча йилдан бери ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатаётган «Оймома» боғи фақат кичкинтойларнинг и и а эмас. балки катталарни ҳам қизиқтириб қолди. Республикамизда ягона ҳисобланган бундай аттракцион ўйинлар жуда ранг-баранг. «Оймома» боғида бу мавсумда янги аттракционлардан яна учтаси фойдаланишга топширилди.

Боғ маъмурияти бу йилги мавсумга олдиндан тайёргарлик кўриб, янги теннис ва «Саломатлик йўлкаси»ни фойдаланишга топширди. Боғнинг янада кўркам бўлишида уни оталикка олган лак-бўёқ, «Ташкенткабель», «Ташавтомаш» заводлари ишчилари яқиндан ёрдам бериши. Боғ бурчагидан ўтадиган аҳқон канали атрофи эса ҳашарчилар кучи билан бетонлаштирилиб, хиёбонга айлантирилди. Боғнинг қаерига қараманг, озода, тартиб билан ўтқазилган ранг-баранг гуллар кишига завқ бағишлайди. Бугун бу ерда 30 мингдан ортиқ киши дам олади.

...Ленин комсомоли богидамиз. Карнай-сурнайлар олқишида боғ бугунги байрам кунида дам олувчилар билан янада тўлиб кетган. Болалар майдонида 400 га яқин кичкинтой ҳар хил айланадиган чархпалакларда ҳузур қилишмоқда. От ўйин. чархпалак, аргимчоқ каби ўйдан ортиқ аттракционлар дам олувчилар хизматида бўлмоқда.

Боғ директори С. Собиров биз билан бўлган суҳбатда бугунги баҳор байрамида Октябрь районидаги корхоналарнинг илғорлари билан дам олувчиларнинг учрашуви бўлиб ўтганлигини айтади.


Бу мавсумда боғда яна учта янги аттракцион ишга туширилиб, ўттиздан ортиқ қайиқ ва моторли қайиқлар, теплоход, 300 йўловчига мўлжалланган пионер ва комсомоллар бошқарадиган поезд дам олувчилар ихтиёрида бўлади. Бундан ташқари 100 ўринли ошхона, иккита кафе, ресторан, чойхона, учта мороженое ва сув павильонлари ҳамшаҳарларимиз хизматида бўлади.

БУГУН

шаҳримиздаги ҳамма боғларда ана шундай тантана. Азиз дам олувчилар улар учун яратилган барча қулайликлардан мамнун бўлишиб баҳор байрами — 1 Майни ана шундай шодиёналик билан кутиб олмоқдалар.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

СУРАТЛАРДА: Гагарин хиёбони ва Комсомол 40 йиллиги номли маданият ва истироҳат боғининг кўриниши.



БИЛАСИЗМИ?


Олимпиада мукофотлари

Олимпиада мусобақаларида қатнашиб 1—3 ўринни эгаллашга муваффақ бўлган спортчиларга халкаро олимпиада комитети медаль ва дипломлар топширади. 4—6 ўринни эгаллаган спортчиларга эса фақат дипломлар топширилади.

Диаметри кам деганда олтмиш миллиметр ва қалинлиги уч миллиметрга тенг ҳажмда тайёрланган медаллардан маълум бир спорт тури акс эттирилган бўлади. Учинчи ўрин учун бронза, иккинчи ўрин учун кумуш медаль топширилади. Биринчи ўринни эгаллаган спортчига камида олти грамм олтин билан қопланган кумуш медаль топширилади.

Олимпиада низомига кўрса финал учрашувларидан бирида қатнашган команда составидаги ҳар бир спортчи команда эгаллаган ўринга мос медаль ва диплом билан тақдирланади. Мусобақаларнинг финал босқичида қатнашмаган спортчилар диплом билан мукофотланадилар. Команда мувафаққияти бевосита шахсий беллашувлар натижасига боғлиқ бўлган команда мусобақаларида (енгилчабозлик, замонавий бешкураш, от спорти) совринли ўринни эгаллаган командага медаль, шу команда аъзоси бўлган спортчиларга эса дипломлар топширилади.

Икки команда бир хил натижага эга бўлган тақдирда ҳар икки командага бир хил медаль топширилади. Айтайлик, мусобақаларда икки команда биринчи ўринни эгалласа, уларнинг ҳар иккаласига ҳам олтин медаль топширилади. Бундай ҳолда кумуш медаль топширилмай қолади.



Пойтахтимиз қўлн гул бинокорларнинг қалб қўри, пешона тери эвазига кун сайин ободонлашиб, кўркамлашиб бормоқда. Ушбу суратда тасвирланган турар жой биноларн Пушкинва Новомосковский кўчалари чорраҳасида бунёд этилган.

М. Нуриддинов фотоси.

• *Уй муборак!*

БАЙРАМ АРАФАСИДА

«Главташкентстрой»га қарашли «Жилстрой» трестининг бинокорлари баҳор ва бахт байрами — 1 Майни меҳнатда қувончли ютуқларни қўлга киритиш билан кутиб олишди. Трест уйсозлари пойтахтимизнинг бир қатор янги турар жой массивлари ва кварталларида уйжойларни тез ва сифатли битказишга муваффақ бўлишди.

Куни-кеча трест қурувчилари шаҳримизнинг кенжа — «Марказ-17» кварталида 32 квартирага мўлжалланган турар жой биносидаги барча бинокорлик ишларини тугаллаб, фойдаланишга топширишга тахт қилиб қўйишди.

Қурилишда трест «Ташмосстрой» бошқармасининг Галина Вахмянина, Ойсу Гараева бошчилигидаги бўёқчилар, «Ташросстрой» қурилиш-монтаж бошқармасининг Федор Третьяков ҳамда Раис Абдураҳмонов раҳбарлигидаги монтажчилар бригадаларининг аъзолари ўрнак кўрсатишди.

Шунингдек, трест бинокорлари байрам арафасида «Марказ-26» кварталида ҳам 32 хонадонга мўлжалланган турар жой биносидаги барча бинокорлик ишларини тугаллашди.

* РЕКЛАМА *

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК Д
ЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТ
ДА— 1/V да **Испан миниатю
ларн,** 3/V да **Севилья сартаро
4/V да Концерт.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ
АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ
1/V да **Кўрмайин босдим ти
ни** (19.30). 2/V да **Олтин д
(11.00), Келинлар кўзголони** (1
Парвона (19.30), 3/Vда **Ғарн
4/V да Қалби олов.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК
ЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА
да **Олифта** (19.30), 2/V да **Қ
ёш қариялар** (12.00, 19.30),
концерт, (16.00). 3/V да **Шах
ва етим қиз,** 4/V да **Йиллар**

ЦИРК

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ
МОСКВА ДАВЛАТ МУЗ УСТ
ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ Г
РОЛЛАРИ.**

КИНО

1, 2 МАЙДА

ҚИШҚИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Мимино** (катта зал), **Хизматдош ошиқлар қиссаси** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Мўйловли энага— ҲАМЗА номли (11, 13, 15, 17, 19, 20.30), «НУКУС» (тоқ соатларда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Тиль ҳақида афсона (1 ва 2 сериялари). «ТИНЧЛИК» (12.30, 15.30).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ЧАЙКА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Тўғилиш— ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ номли (11.15, 13.30, 16, 18.30, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 14, 17, 20.00).

Одамлар ташвишида — «МОСКВА» (жуфт соатларда).

Фидойи аёл— С. РАҲИМОВ номли (тоқ соатларда).

Борисан марказий ҳужумчи — «МИР» (тоқ соатларда).

Томдан сакраш — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Умид — «ҚЎҚҚА» (11, 14, 17, 20.00).

Карпат довонлари — «ЯНГИОБОД» (11, 14, 17, 20.00).

ЁЗГИ БИНОДА

Ҳизматдош ошиқлар қиссаси — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.30).

Тўғилиш— «ХИВА» (20.30).

3, 4 МАЙДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ— **Қамал** (3, 4-сериялар, катта зал), **Хизматдош ошиқлар қиссаси** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Мўйловли энага— ҲАМЗА номли (11, 13, 15, 17, 19, 20.30), «НУКУС» (тоқ соатларда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Тиль ҳақида афсона (3 ва 4 сериялар) — «ТИНЧЛИК» (18.30, 21.00).

Туғилиш— «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (11.15, 13.30, 18.30, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 14, 17, 20.00), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Томдан сакраш — «МИР» (тоқ соатларда), «МОСКВА» (жуфт соатларда).

Куз — С. РАҲИМОВ номли (тоқ соатларда).

Етим ана— «ЯНГИОБОД» (тоқ соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.30).

Туғилиш— «ХИВА» (20.30).

ТОШКЕНТ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ

кириш имтиҳонларини топширишга тайёрлайдиган

ПУЛЛИ, 2 ОЙЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар — 5 майда бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, З. Каблуков кўчаси, 45-уй. (10, 23, 27-трамвайлар, 8, 14-автобуслар, 2, 7, 10-троллейбусларнинг «Ишчилар шаҳарчаси» бекати). Телефонлар: 48-07-21, 48-37-10.

Собир Раҳимов районидаги 1-мактаб томонидан **Аҳмадалиев Абдуғаффор** номига берилган 623356 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎГРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ўуфетлар ишлайди.

РҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

1 МАЙ — ДУШАНБА

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

16.50 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Канада — АҚШ терма командалари. Прагадан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Голубой огонёк». 21.30 Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Май байрамининг нишонланиши тўғрисида репортаж. 22.45 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. ГДР—СССР терма командалари. 2 ва 3-даврлар. Прагадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.

Ўзбекистон телевиденнесининг программаси

17.40 «Оқ бўталоқ». Болалар учун мультфильм. 17.55 Мактаб ўқувчилари учун. «Май қувончлари». Адабий-мусиқали композиция. 18.35 «Буюринг, хизматингиздамиз». Телевизион миниатюралар театрининг спектакли. 19.20 «Ахборот». Информацион программаси. Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни —1 Май байрамининг нишонланиши тўғрисида. Репортаж. 20.00 «Май табассуми». Катта байрам мусиқали программа. 21.30 Москва. Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Май байрамининг нишонланиши тўғрисида репортаж. 22.45 «Май табассуми». Катта байрам мусиқали программа (давоми). Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Йўловчи». 19.40 «Таниш одам». Телевизион бадиий фильм. (рус.). 20.45 «Ассалам, Май!». Концерт.

2 МАЙ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 Янгиликлар. 9.20 «Звёздочка». Болалар учун киноальманах. 10.10 «Қувноқ нотлар». Ёш вокалистлар концерти. 11.15 «Москвичка». Телевизион клуб. 12.25 «Ёшлик доимо олдинги сафда». ВЛКСМ XVIII съезди номли Бутуниттифоқ комсомол зарбдор отряди ҳақида. 12.55 Л. Минкус. «Дон Кихот» балети. СССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрининг спектакли. Асосий ролларни РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар Н. Павлова ва В. Гордеев ижро этади. 14.55 «Гўзал Василиса». Мультфильм. 15.15 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. ГФР — Канада терма командалари. 3-давр. Прагадан олиб кўрсатилади. 15.55 Болалар учун. «Уч қувноқ смена». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-фильм. 17.00 «Цирк майдонида».

17.45 «Нисон. Ер. Коинот». Кўрсатувни икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. И. Севастьянов олиб боради. 18.30 Янгиликлар. 18.45 Кучли фигурачиларнинг кўргазмали чиқишлари. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 20.25 «Ун уч стул». Телевизион миниатюралар театри. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Биз қўшиқ куйлаймиз». Музикали программа. Кўрсатув тугагач— Янгиликлар.

Ўзбекистон телевиденнесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Баҳор байрами билан». Болалар учун концерт. 10.50 «Қалбларда баҳор». Телевизион фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 11.10 «Бююринг, хизматингиздамиз». Телевизион миниатюралар театрининг спектакли. 11.55 «Телевидение экранида биринчи марта». «Биз билан қолаверсин». Бадиий фильм. 13.00 «Алибек йигитлари». Цирк программаси. 13.40 «Телеграммалар, телеграммалар, телеграммалар». Концерт-ревю. 14.40 «Ўйғур альбоми». Телевизион фильм-концерт премьераси. («Ўзбектелефильм»). 16.25 Кўрсатувлар программаси. 16.30 «Биз қувноқ ва шодон яшаймиз». Концерт. 17.40 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Арарат» (Ереван). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Дарё ёқалаб». Мультфильм. 18.50 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.00 «Испан миниатюралари». А. Навоий номли Давлат академик опера ва балет Катта театрининг спектакли. 20.15 «Ахборот» информацион программаси. 20.30 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли иштирокида байрам концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Наво» вокал-чолғу ансамблининг концерти. 22.30 «Комедия кечаси». 00.10 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Вилмасвойнинг саргузаштлари». 19.40 «Казаклар йиғлаганда». Телевизион бадиий фильм (рус.). 20.05 Тошкент янгиликлари. 20.25 «Баҳор тароналари». Эстрада концерти. 20.55 «Мен севган шаҳар». Ҳужжатли фильм.

3 МАЙ— ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Баланд тепалик». Мультфильм. 10.15 «Оилавий шароитга кўра». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 12.25 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финляндия — Швеция терма командалари. 3-давр. Прагадан олиб кўрсатилади. 15.35 «Байроқдорлар». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.00 «Совет адабиётида коммунист образи». 16.50 Гитарада А. Фрауч чалади.

17.10 «Новоукраинкалик Катерина». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. А. Полатайко ҳақида телевизион очерк. 17.30 «Олға, болакайлар». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Инсон саҳовати тўғрисида кичик воқеа». Ҳужжатли фильм. 19.00 «Фан оламида». 19.30 «СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари». 20.15 «Спортлото» тиражи. 20.25 «Имтиҳон олдидан». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Театр учрашувлари». Кўрсатувни Грузия ССР халқ артисти С. Чиарели олиб боради. Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

Ўзбекистон телевиденнесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Айиқлар цирки». Болалар учун кинофильм. 18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Ҳаммамиз бирга бўлсак» (рус.). 18.50 «Лайлаклар». Телевизион фильм. 19.00 «Миллионлар ленинча университети». «Қардош социалистик мамлакатлар халқаро фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириб туришга». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Кино оламида». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Кўш қўшиғи». Телевизион фильм-концерт. 21.20 «Жилолар». Телевизион фильм. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ноз-неъмат бунёдкори». 22.15 Панчо Панчев. «Тўрт эгизак ҳақида эртак». Республика ёш томошабинлар театрининг спектакли. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Чилонзор район халқ маорифи бўлими ва маориф ходимларининг район касаба союз комитети ҳамда райондаги мактабларнинг педагогика коллективлари шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири Ҳ. Қ. Йўлдошевга отаси

Қаюм ЙЎЛДОШЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Октябрь район халқ маорифи бўлими, район маориф ходимларининг касаба союз ташкилоти, 102-ўрта мактаб коллективи, шу мактаб ўқитувчиси Қ. Йўлдошевга отаси

Қаюм ЙЎЛДОШЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

физкультура ва **СПОРТ**

Май баҳслари

МУСОБАҚАЛАР, ТУРНИРЛАР

Май ойида Ўзбекистон XVIII спартакиадаси программаси доирасидаги ёшлар ўйинлари баҳслари асосий воқеа бўлади. Бу мусобақалар спортнинг 29 тури бўйича ўтказилади. Ҳозирга қадар спортнинг 13 тури бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Бу беллашувлардан кейин Тошкент ва Тошкент области спортчилари пешқадамлик қилишмоқда. Май ойида спортнинг 14 тури бўйича беллашувлар бўлиб ўтади. Тошкентда от спорти билан шуғулланувчилар, байдарка ва каноэ ҳайдовчилар, сузувчилар, узунликка сакровчилар, бешкурашчилар, мўлжалга отувчилар орани очиқ қиладилар.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг совғини учун бўладиган самбочиларнинг баҳслари ҳамиша қизғинли ва қизиқарли ўтади. Бу сафар бу Бутуниттифоқ мусобақаси 6 майдан 9 майга қадар Тошкент шаҳрида ўтказилади. Беллашувларда мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган кучли спортчилар қатнашишади.

11 майдан 13 майга қадар енгил атлетикачилар Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўпкураш бўйича мукофоти учун ўтказиладиган республика чемпионатида қатнашадилар. Чирчиқ шаҳрида узоқ масофага югуриш ва спорт юриши бўйича очиқ биринчилик бўлади. 6—7 май кунлари Тошкент, Қўқон ва Самарқандда республика шаҳарларининг матч-учрашувлари ўтказилади. Енгил атлетикачиларимиз 27 ва 28 май кунлари Олмаота шаҳрида бўладиган Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистон терма командаларининг анъанавий матч-учрашувида қатнашадилар.

Волейбол муҳлислари Ўзбекистон пойтахтида бўладиган аёллар командаларининг финал учрашувларини томоша қилишлари мумкин. Ҳал қилувчи учрашувлар 20 майдан 26 майга қадар бўлиб ўтади.

Тошкентдаги «Ёшлик» спорт аренаси 11 майдан 15 майга қадар ёш гимнастикачилар ихтиёрига топшириб қўйилади. Бу ерда жамият ва идоралар республика советларининг энг кучли спортчилари иштирокида шахсий-команда биринчилиги бўлиб ўтади. Бу спорт ташкилотларининг командалари Тошкентдаги «Динамо» теннис стадионида 14 майдан 22 майга қадар теннис бўйича республика шахсий-команда биринчилигида иштирок этишади.

Энг ёш спорт турларидан бўлган фигурали учиш йилдан йилга оммалашиб бормоқда. Бу спорт турини янада ривожлантириш мақсадида ҳар йили СССРнинг 10 шаҳри ўртасида «Тошкент конькилари» совғини учун турнир ўтказилмоқда. Бу сафар турнир олтинчи марта ташкил қилинади. Турнир мусобақалари 17 майдан 21 майга қадар «Юбилейний» марказий спорт залида ўтади.

Бокс бўйича республика шахсий биринчилиги 6 майдан 11 майга қадар Андижон шаҳрида бўлади. 17—20 май кунлари, городки, 16— 22 май кунлари регби бўйича Тошкентда шахсий республика биринчилиги ўтказилади.

Баскетболчилар ҳам Ўзбекистон чемпионатини ўтказишади. 23— 29 май кунларй Урганч шаҳрида эркаклар командалари ўртасида финал учрашувлари бўлади. Аёллар командалари эса финал учрашувларини Нукус шаҳрида ўтказишади.

Тошкент комсомол ташкилотида тарбияланган қаҳрамон комсомоллар хотираси учун велосипед мусобақаларини ўтказиш ҳам анъанага айланиб бормоқда. Бу сафар велосипедчилар баҳсини 8 май куни бошлашади.

Қўл тўпи бўйича СССР биринчилигининг биринчи лига командалари ўртасидаги баҳсларда қатнашаётган Тошкентнинг «Текстильщик» командаси дастлабки босқич мусобақаларини муваффақиятли тугаллади. У 12 коллектив ўртасида бешинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Энди тошкентлик спортчилар 16 майда Минск шаҳрида бошланадиган олти энг кучли коллектив ўртасидаги ҳал қилувчи турнирда қатнашадилар.

Май ойида регби бўйича СССР Кубоги ўйинлари бошланади. Тошкент политехника институтининг командаси дастлабки учрашувни Фарғонанинг «Факель» командаси билан ўтказади. Дастлабки учрашув Фарғона шаҳрида 7 май куни ўтказилади. 14 май куни Тошкентда бу командалар такрорий учрашувни ўтказишади.

Май ойида чим хоккей бўйича IX СССР биринчилигига старт берилади. Ўзбекистон шарафини олий лигада Андижоннинг «Меҳнат» командаси ҳимоя қилади. Биринчи лигада эса республикамизнинг уч командаси иштирок этади. Улар Тошкентнинг «Политехник», Фарғонанинг «Химик», Ленинск шаҳрининг командаларидир. Тошкент политехника институтининг спортчилари бу ойда ўн учрашув ўтказишади.

Бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон терма командаси Одесса шаҳрига боради. Бу ерда 18 майдан 21 майга қадар СССР биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтади.

Ўзбекистон ватерполочилари Душанба шаҳрига боришади. Бу ерда ўсмирлар ўртасида СССР биринчилиги мусобақалари бўлади.

Ўзбекистон велосипедчилари 9— 12 май кунлари Минск шаҳрида бўладиган халқаро турнирда иштирок этишади. Ёш велосипедчилар 13— 14 май кунлари Ереван шаҳрида ўтказиладиган СССР шахсий-команда биринчилигида иштирок этишади. Худди шу ерда 24— 25 май кунлари группалар ўртасида пойга ўтказилади.

Тошкентнинг «Пахтакор» командаси СССР биринчилигининг олий лигаси командалари билан беш учрашув ўтказади.

П. КОНОВАЛОВ,
Ўзбекистон спорт комитетининг катта тренери.

Волейбол

ОЛТИНЧИ ЎРИНДА

Олий лига аёллар командалари Свердловск шаҳрида ҳал қилувчи учрашувларни ўтказишди. Бу ерда совринли ўринларнинг тақдири ҳал қилинди. Олтин медаль Свердловскнинг «Уралочка», кумуш медаль Ворошиловграднинг «Искра», бронза медали эса Москванинг «Динамо» командасига топширилди. Тошкентлик волейболчилар бу ерда етти учрашув ўтказиб, улардан фақат учтасида ғалабага эришдилар. Улар Риганинг «Аврора» командасини 3:1, Ленинграднинг «Спартак» командасини 3:0, Бокунинг «Нефтчи» командасини 3:1 ҳисобида енгишди. Тўрт учрашувда эса майдондан мағлуб бўлиб чиқишди. Шундай қилиб, Тошкентнинг «Автомобилист» командаси СССР биринчилигида олтинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Самбо

МУВАФФАҚИЯТЛИ ҚАТНАШДИЛАР

Мамлакатимизнинг турли шаҳарларида ёшлар ўртасида эркин кураш, дзюдо, самбо бўйича СССР биринчилиги мусобақаларида ўзбекистонлик ёш курашчилар ҳам иштирок этишди. Тошкентнинг «Динамо» кўнгилли спорт жамияти вакиллари Ш. Муҳамедов ва Т. Орипов кумуш медаль билан тақдирланишди. Умумкоманда ҳисобида ҳамшаҳарларимиз олтинчи ўринни эгаллашди.

Кишинёв шаҳрида самбо бўйича ўтказилган СССР шахсий биринчилигида қатнашган «Динамо» жамиятининг яна икки вакили медаль билан қайтди. М. Жуматоев иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медаль билан тақдирланди. Р. Тўраев эса бронза соврин соҳиби бўлди.

Свердловск шаҳрида эркин кураш бўйича СССР шахсий биринчилиги мусобақаларида тошкентлик Р. Хайрутдинов муваффақиятли қатнашди. У 52 килограммгача бўлган оғирликдаги курашчилар билан бўлган беллашувларни юксак савияда ўтказиб, бронза медалини қўлга киритди.

Гимнастика

НОМЗОДЛАР АНИҚЛАНДИ

Тошкентда тўрт кун давомида бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон шахсий-команда биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Беллашувларда тошкентлик спорт мастери О. Тимофеева республика чемпиони унвонини қўлга киритди. Умумкомандада ҳисобида «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти Марказий Советининг терма командаси ғолиб чиқди.

Чемпионат Ўзбекистон терма командаси аъзолигига кандидатларни аниқлаб олишга ёрдам берди. СССР шахсий-команда чемпионатида республикамиз шарафини ҳимоя қилишади.



«Динамо» кўнгилли спорт жамиятининг бокс секциясида қатнашувчилар машғулот ўтказадиган жой ҳамиша гавжум бўлади. Бу ерда ёшлар бокс сирлари билан танишиб, рингда малана ҳосил қилганларидан кейин йирик беллашувларда иштирок этишади.

СУРАТДА: бокс секциясидаги навбатдаги машғулот пайти.

М. Нуриддинов фотоси.

• «Пахтакор»нинг рақиблари

«Арарат» (Ереван)

Эртага футбол бўйича мамлакат биринчилигининг навбатдаги турида «Пахтакор» Ереваннинг «Арарат» командасини қабул қилади.

Арманистоннинг энг яхши командаси 1949 йилдан буён олий лигада қатнашиб келмоқда. «Арарат» номини у 1963 йилда олган.

Ереванлик футболчилар учун 1973 йилги мавсум энг омадли бўлди. Ўша йили «Арарат» командасининг футболчилари чиройли ва қизиқарли ўйин кўрсатиб, СССР Кубогини қўлга киритиш билан бирга мамлакат чемпиони унвонига сазовор бўлишди.

1949 йилдан бошлаб, 1977 йилга қадар ереванликлар олий лигада 584 учрашув ўтказишган. Улар 207 учрашувни ғалаба билан якунлаб, 161 учрашувда дурангга эришган. 216 учрашувни бой беришган. Рақиблар дарвозасига киритилган ва ўз дарвозаларидан ўтказиб юборган тўплар нисбати — 677:732.

«Арарат» 82 марта Кубок учрашувларида қатнашган. Бу беллашувларнинг 44 тасида арманистонлик футболчилар ғолиб чиқишган, 30 учрашувни бой берганлар. Саккиз учрашувда эса дуранг натижа қайд қилинган.

Айни пайтда арманистонлик футболчилар мамлакат биринчилигида қатнашган йилларда омадсиз учрашувлар ҳам бўлган. Улар 1962 йилда Киевнинг «Динамо» командасига учрашувни 1:8 ҳисобида бой беришган. Худди шу йили Москванинг «Динамо» командаси билан СССР Кубоги учун ўтказилган мусобақада 0:7 ҳисобида енгилишган.

Команда 1960 йилда «Адолатли ўйин учун», 1972 ва 1973 йилларда «Ҳужумкор меҳмон», 1974 йилда «Ғалабага бўлган иродаси учун» мукофотларини олган. 1976 йилнинг кузида команда ҳужумчиси А. Андреасян «Труд» газетаси совринини қўлга киритган.

Асосий составда энг кўп марта қатнашган ўйинчи Н. Месропяндир. У 319 марта «Арарат» командаси составида майдонга чиққан. Рақиблар дарвозасига 67 марта тўп киритган. П. Петросян командининг энг мерган ҳужумчиси ҳисобланади. О. Заназанян ва Э. Маркаровлар бир мавсумда 14 марта дарвозани аниқ нишонга олишга муваффақ бўлишган.

Арманистонлик футболчилардан А. Андреасян 12 марта, Л. Иштоян 8 марта, О. Заназанян 6 марта ва Н. Петросян 2 марта СССР терма командаси составида қатнашган.

Командининг катта тренери спорт мастери, СССРда хизмат кўрсатган тренер Николай Алексеевич Гуляев.

«Пахтакор» — «Арарат» билан 26 учрашув ўтказган. Бу учрашувларнинг олтитасида ҳамюртларимиз, ўн биттасида меҳмонлар ғолиб чиқишган. Тўққиз учрашув дуранг натижа билан тугаган. Тўплар нисбати 31:38.

Арманистонлик футболчилар бу йилги мавсумни муваффақиятсиз бошлашди. Улар дастлабки икки учрашувни ўз майдонларида ўтказиб, фақат бир очко тўплашди. Учинчи турда ҳам мағлубиятга учрашди лекин футбол тарихидан маълумки, «Арарат» командаси футболчилари уюшқоқлик билан ўйнаган пайтда ҳар қандай командани мағлубиятга учратиши мумкин.

(Газетанинг навбатдаги сони 4 майда чиқади).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

1 МАЙ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; вълонлар бўлими— 38-81-42.

Р—02395. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, ИНДЕКС 64579. Нашр—Д—1292.